

Бағдодда "Уч авлод учрашуви" тадбири ўтказилди

Энг улуғ, энг азиз байрам - Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида Бағдод туманида "Уч авлод учрашуви" тадбири ўтказилди.

Эзгу мақсадларни қамраб олган учрашув Конизар маҳалласида жойлашган "Нуронийлар маскани" да ташкил этилди.

Тадбирга уч авлод вакиллари - меҳнат фахрийлари, ишчи-хизматчилар ва ёшлар таклиф этилди.

Тадбирни туман ҳокими ўринбосари Бахтиёржон Холдоров очиб, аввало, барчани яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами билан қутлади.

Юртимизда, хусусан, туманимизда бугун барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар эл ишончини оқлаш, ҳудудларни янада обод этиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилганлигини яна бир бор таъкидлади Б.Холдоров.

Тадбирда иштирок этган бошқа масъуллар ҳамда бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ҳам йиғилганларга ўз тилаklarини билдиришди.

Ширин дийдор, мазмунли суҳбатларда кекса авлод вакиллари кенг ҳаётий қарашлари, бой тажрибалари ва эзгу насиҳатлари ёшларга сабоқ, ҳаётий мактаб вазифасини ўташга хизмат қилди.



Ўз ўрнида, ёшлар ҳам шу кунгача эришган ютуқлари ва навбатдаги режалари ҳақида йиғилганлар билан ўртоқлашиб, келгусида ҳам юрт тинчлиги ва тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиш учун бор билим ва куч-ғайратларини сарфлашга тайёр эканликларини айтиб ўтдилар.

Туманимизнинг хушовоз хонандалари томонидан бахт-саодат ва тинчликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янграб, бадийий жамоаларнинг чиқишлари намоиш этилди.

Учрашув давомида иштирокчиларга туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-08-14 17:46:05